

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**И. КАРИМОВ номидаги  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗИРОВ ЗУЛҚАЙНАР ШАРОПОВИЧ**

**КИМЁ САНОАТИ УЧУН СУВНИ ТАЙЁРЛАШДА ИОНИТЛАРНИНГ  
ОЛИНИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

Назирова Зулқайнар Шаропович Кимё саноати учун сувни тайёрлашда ионитларнинг олиниши ва қўлланилиш технологиясини ишлаб чиқиш .....	3
Назирова Зулқайнар Шаропович Разработка технологии получения применения ионитов при водоподготовке в химической промышленности .....	19
Nazirov Zulqaynar Development of technology for the production and use of ion exchangers in water treatment in the chemical industry.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works .....	38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**И. КАРИМОВ номли  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗИРОВ ЗУЛҚАЙНАР ШАРОПОВИЧ**

**КИМЁ САНОАТИ УЧУН СУВНИ ТАЙЁРЛАШДА  
ИОНИТЛАРНИНГ ОЛИНИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PHD/T2056 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tkti.uz) ва «Ziyoune» таълим ахборот тармоғида (www.ziyoune.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Турабджанов Садриддин Махамаддинович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Адилов Равшан Эркинович  
техника фанлари доктори, доцент

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» 12 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871)244-79-21, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti\_info@mail.ru.)


Докторлик диссертацияси билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 11 куни тарқатилган.  
(2021 йил «13» 11 даги 18 рақамли реестр баённомаси).



  
**С.М. Турабджанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
**Х.И. Кадиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

  
**Т.Ра. Раҳмонбердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги кунда дунёда термик барқарор, кимёвий таъсирга чидамли ва механик мустаҳкам ионитлар ўзининг сорбцион хоссалари юқорилиги, нодир ҳамда рангли металл ионларига танлаб таъсир этиши сабабли кимё, фармацевтика, нефт-газ, энергетика, гидрометаллургия, озиқ-овқат саноатларида кенг фойдаланилади. Шу билан бирга мавжуд хомашёлар асосида янги поликонденсацион турдаги ионитларни синтезлаш ва сувларни тузсизлантириш, шунингдек рангли металл ионларини ажратиш жараёнларида қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кимё саноатида сульфатли, карбоксилли ва фосфатли функционал гуруҳлар сақловчи янги турдаги селектив, сорбцион хусусиятлари юқори ионитлар ишлаб чиқариш ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, саноат сувларини деминераллаш, сув тайёрлаш қурилмаларининг узок муддатлар, юқори самарали ишлашини таъминловчи азотли мономерлар асосида амфотер хусусиятли ионитлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз шароитида маҳаллий хомашёлар асосида импорт ўринини босувчи, рақобатбардош ионитлар олиш ҳамда сув тайёрлаш жараёнларида уларни қўллашга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан, кимё ва нефт-газ саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, фурфурол ва аминогуруҳли ароматик халқали мономерлар асосида поликонденсация реакциялари билан амфотер табиатли ионитлар олиш, сувларни тузсизлантиришга мўлжалланган ионалмашинувчи полимерлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноатининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари», 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698 «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 15 июндаги ПҚ-2547-сон «2016-2020 йилларда минерал хом-ашё ресурсларини қайта-қайта ишлаш асосида тайёр экспортбоп кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сувларни тузсизлантириш, сувларни юмшатиш имконини берувчи синтетик катионитлар, анионитлар ва амфотер характерга эга бўлган ионитлар синтези ва сувни тайёрлаш жараёнларида қўлланилиши бўйича Wan Yunus, Widdecke H, Bachmann Reinhard, A. Mariamichel, R. Klipper, Zhi-Ping Zhu, Burkhard Köhler, A.C. Злобина, Я. Резник, Е.Е. Ергожин, А.М. Акимбаева, К.К. Кишибаев, С.А. Ефремов, Л.С. Лузянина, Г.А. Журавлева, С.С. Хамраев, А.А. Агзамходжаев, В.П. Гуро, Ф.А. Магруппов, А.Т. Джалилов, Р.А. Назирова, С.М. Турабджанов, Ш.А. Муталовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Улар томонидан фурфурол, формальдегид, дивинилбензол билан аминли, карбоксилли ва фосфатли ҳамда сульфатли функционал гуруҳлар сақлаган анион, катионит ва амфотер табиатли янги турдаги ионитлар синтезлаш жараёнлари тадқиқ қилиниб, энергетика, гидрометаллургия, кимё, нефт-газ саноатлари сувларини тузсизлантириш, рангли металл ионларини таркиби мураккаб бўлган эритмалардан ажратиш олиш, концентрлаш технологиялари тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга аминофосфатли, аминосульфатли амфотер ионитлар синтезлаш, кинетикаси ва термодинамик параметрларини тадқиқ этиш, уларнинг физик-кимёвий ва технологик кўрсаткичларини аниқлаш, яратилган ионитларнинг комплекс ҳосил қилиш механизмларини исботлаш, регенерациялашнинг содда, энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ НТП 7-053 «Ўзбекистон иқлими шароитида оқава сувларни иккиламчи тозалаш ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш усули» (2009 - 2011 йй), ПЗ-20170927346 «Оқава сувларни тозалаш учун поликонденсат турдаги янги ион алмашинадиган полимерларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018 - 2020 йй.) ва ЁОТ-Атех-2018-206 «Корхонада меҳнат хавфсизлигига таъсир этувчи салбий омилларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш» (2018 - 2019 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқот ишининг мақсади** поликонденсацион турдаги ионитлар олиш ва сув тайёрлаш ҳамда рангли металл ионларини ажратиш технологиясини яратиш иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифаси:**

фурфурол ва дифениламин асосида полимер матричасини яратиш, поликонденсация реакциясининг мақбул шароитларини тадқиқ этиш;

олинган полимерга фосфорли нордон функционал гуруҳларни киритиш;

олинган амфотер ионитининг комплекс ҳосил қилиш хусусиятларини ўрганиш, металл ионлари билан статик ва динамик шароитлардаги алмашилиш ҳажмларини аниқлаш;

Avagadro дастуридан фойдаланиб комплексларнинг фазовий кўринишини моделлаштириш ва электро-донор хусусиятларини квант-кимёвий ҳисоблаш;

амфотер ионит олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий ҳисоблашларни олиб бориш;

лаборатория шароитида оддий ва қулай усуллар билан ионитларни сорбцион хоссаларини тиклаш имкониятларини аниқлаш;

кимё саноатида ионитлар билан сувни тузсизлантириш тажриба-саноат тадқиқотларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида комплекс ҳосил қилувчи амфотер ионит, фурфурол ва дифенилоксид асосидаги яримконденсацион ионит, стирол ва дивинилбензол асосида олинган полимеризацион турдаги саноат катионити КУ-2-8, кимё саноатининг айланма ва коммунал сувлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** поликонденсацион ионитлар олиш усуллари, ионитларнинг физик-кимёвий ва сорбцион хусусиятлари ионитларнинг функционал гуруҳлари билан ионалмашиш жараёнларининг механизмлари ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида замонавий физик-кимёвий (потенциометрик титирлаш, Фурье-ИК-спектроскопия, калометр, скайнерловчи электрон микроскоп) ва кимёвий (комплексометрия) усуллардан фойдаланилган. Олинган натижалар ионалмашинувни моделлаштириш (Avagadro) ва Origin Lab Pro дастури бўйича математик қайта ишлов бериш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фурфуролнинг дифениламин билан 1:1 моль нисбатда диметилформамидли эритувчи иштирокида 100 - 110 °С ҳароратда мономерлар умумий массасига нисбатан 3 - 5 % Льюис катализатори қўшиб полимер матричаси яратилган ва поликонденсация реакцияси мақбул шароитлари аниқланган;

фосфорилловчи агент орқали фосфатли гуруҳлар полимер матричасига киритиш шароитлари 70 - 75 °С ҳароратда катализатор иштирокида олиб борилганда, аминофосфорли амфотер ионит ҳосил бўлиши исботланган;

олинган амфотер ионитнинг сув таркибидаги кальций, магний каби металл ионларини сорбциялаши, динамик шароитда сувни тузсизлантириши 70 - 80 % ни ташкил этиши аниқланган;

катионит шаклида кислород атомидаги умумлашмаган электрон жуфтлари, рух, мис, никель, кобальт каби оғир металл ионларининг d-электрон

поғоначаларидаги бўш орбиталлар билан донор-акцептор боғларни ҳосил қилиши асосланган;

поликоденсацион турдаги ионитлар ишлаб чиқариш ва сувни тайёрлаш ҳамда рангли металл ионларини ажратиш технологияси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

поликоденсацион турдаги ионитлар олишнинг мақбул қўллаш шароитлари аниқланган;

полимеризацион ва поликонденсацион турдаги ионитларнинг қўлланилиш шароитлари ишлаб чиқилган;

поликоденсацион турдаги ионитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлилда замонавий физик-кимёвий усуллар ИК-спектроскопия, газ-суюқлик хроматографияси, термоаналитик таҳлиллардан, экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда поликоденсациялаш олиш жараёнлар кинетика ва термодинамикасининг замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, ионитларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аминофосфатли, аминосульфатли комплекс ҳосил қилувчи ионитлар олиш ва кимё саноатда сувни юмшатиш ҳамда рангли металл ионларини сорбциялаш тавсифи, ажратиш жараёнлари мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти поликоденсацион турдаги сульфат, фосфат ва карбоксилли функционал гуруҳлар сақловчи селектив, сорбцион хусусиятлари юқори ионитлар билан сувни кальций, магний, мис ионларидан сорбцион тозалаш технологиясини тавсия этишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фурфурол ва дифениламиндан аминофосфат ва аминосульфатли поликонденсацион ионитлар ишлаб чиқиш, сорбцион хоссаларини ва қўллаш соҳаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фурфурол ва дифениламиннинг поликонденсатланиш маҳсулоти аминосульфатли амфотер ионит «МуборакГҚИЗ»да амалиётга жорий қилинган («Maxsusenergogaz» aksiyadorlik jamiyatining 2021 йил 10-июнидаги 04/06-880-сон маълумотномаси). Натижада, Қуйи-Мозор сув омборидан келадиган сувларни юмшатиб, тозалаш самарадорлиги 2,3 - 2,4 мартта ошириш имконини берган;

фурфурол ва дифениламиннинг поликонденсатланиш маҳсулоти аминосульфатли амфотер ионит «МуборакГҚИЗ»да амалиётга жорий қилинган («Maxsusenergogaz» aksiyadorlik jamiyatining 2021 йил 10-июнидаги 04/06-880-сон маълумотномаси). Натижада, технологик сувларни кальций, магний, мис ионларидан тозалашда қўлланиладиган импорт қилинувчи КУ-2-8 катионитини алмаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 10 та ҳалқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан 7 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 101 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг талабчанлиги ва долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси, объект ва предмети характеристикаси асосланган, республикада мос келадиган ўхшаш тадқиқотлар фаннинг ривожланиш йўналиши ва технологияси кўрсатилган. Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижалардан уларнинг илмий ва амалий қиймати очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга тадбиқ этилган, диссертация тузилиши ва нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг биринчи боби «**Синтетик ионитларни қўллаш муаммосининг замонавий ҳолатини аналитик шарҳи**» мавзусидаги адабиётлар шарҳига бағишланган. Бунда комплекс ҳосил қилувчи амфотер ионитларни синтез ва қўлланилиши бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Маълум, эталон ионитларнинг аналитик тавсифлари таҳлил қилинган. Функционал гуруҳларни идентификация қилиш усуллари, республикамиз ва хорижда синтез қилинган ионитларнинг физик-кимёвий хусусиятлари келтирилган. Ионитларни ташқи ва ички сиртларида борадиган ионалмашиниш жараёнларнинг асосий технологик тавсифлари ўрганилган. Сув тайёрлашда тозалаш жараёнининг содда, сорбцион хусусиятларини мақбул реагентлар ёрдамида тиклаш имкониятига эга, қулай ва самарали ионитлар синтезлаш ҳамда уларнинг қўлланилиш соҳалари тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Эълон қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадқиқот объектлари ва усуллари, моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган, бошланғич моддаларни таҳлил қилиш ва характеристикаси, фурфурол асосидаги комплекс ҳосил қилувчи амфотерли ионит полимер матричасини синтезлаш методикаси, фосфориллаш ва функционал гуруҳларни киритиш методикаси, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш методикасига бағишланган. Адабиётлардан маълумки, анион ва катион бўйича амфотер ионитларни протонли шакллариининг сорбцион қобилияти ионоген гуруҳни ( $pK_a$ ) диссоциацияланишининг эҳтимолли константаларининг тахминий қиймати билан характерлаш қабул қилинган, одатда ҳисобланадиган тажрибадан олинган маълумотлар Гендерсон-Гессельбалхнинг модификацияланган тенгламасидан фойдаланиб амалга оширилади:


$$pH = pK_{ai} \pm n \cdot \lg \frac{\alpha_i}{1 - \alpha_i}$$

бу ерда  $pK_{ai}$  - диссоциация константаси;  $i$  - даражали ионоген гуруҳнинг доимий диссоциация константаси;  $\alpha_i$  - ионоген гуруҳнинг маълум рН қийматида кўрилаётган диссоциация босқичининг титрлаш даражаси;  $n$  - чокловчи полимерни характерловчи доимий.

Янги синтез қилинган амфотер ионит таркибида икки асосли фосфатли ( $PO(OH)_2$ ) ёки  $H_2PO_3$  ва иккиламчи амин гуруҳлари мавжудлиги аниқланди.




**1-расм. Гендерсон-Гессельбалх координаталардаги фосфатли потенциометрик титрлаш натижалари**



**2-расм. Гендерсон-Гессельбалх координаталардаги иккиламчи аминли потенциометрик титрлаш натижалари**


Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, юқори коэффицентли корреляция тажрибавий эгри чизиқлари бўйича Гендерсон-Гессельбалх тенгламаси координаталарда  $pK_{ai}$ нинг қийматлари иккиламчи аминлар учун 6,61 га, фосфатли гуруҳининг I - II босқичи учун ( $pK_1$ ) 5,08 ( $pK_1$ ) ва ( $pK_2$ ) 5,82 га тенг.

Диссертациянинг учинчи боби «Сув тайёрлашда фойдаланилган ионитларнинг термодинамик ва сорбцион характеристикасини тадқиқ этиш» деб номланган бўлиб, полимер матричаси ҳосил қилиш жараёнидаги мономерларнинг нисбатлари, фурфуролни реакция муҳитда конверсиялаш шароитлари, ҳароратнинг поликонденсация реакция тезлигига таъсири, катализатор табиати батафсил тадқиқ этилган.



**3-расм. Турли ҳароратлардаги фурфуролнинг вақт бирлиги ичида конверсияланиши: 1 - 30 °C; 2 - 40 °C; 3 - 50 °C; 4 - 70 °C; 5 - 100 °C**


Турли ҳароратларда диметилформаидли муҳитда дифениламин ва фурфуролнинг 1:1 оптимал моль нисбатларида поликонденсацияланиши вақт бирлиги ичида олинган натижалари графиклари келтирилган.



**4-расм. Ҳароратнинг поликонденсация реакцияси тезлигига таъсири: 1- 40 дан 80 °C; 2- 70 дан 100 °C**


Қуйи ҳароратларда 30 - 50 °C полимер ҳосил бўлиши деярли кузатилмади ва ҳароратни 70 °C дан 100 °C ва ундан юқорилатиб бориш сув ажралиб чиқиши ҳамда реакцияни 3 - 5 соат ичида тўлиқ амалга ошганлигини кўрсатди. Бунда фурфуролнинг конверсияланиш кўрсаткичи 85 - 90 %га етди. Шу билан бирга реакция тезлиги ушбу ҳароратларда 0,05 моль/л·дақиқани ташкил этди. Олинган полимер матричасига функционал гуруҳлар киритилди ва амино-фосфатли гуруҳли ионит ИҚ - спектрлаш натижалари таҳлил қилинди (5-расм).

ИҚ-спектрда 960 - 1080  $\text{см}^{-1}$  соҳалардаги тебранишлар  $\text{P}(\text{O})(\text{OH})_2$  гуруҳлари мавжудлигини ҳамда фосфатли гуруҳларда 1170  $\text{см}^{-1}$  соҳасидаги боғлар ўзгаришини кузатиш мумкин. 1560  $\text{см}^{-1}$  соҳадаги деформацион тебранишлар = N-H боғларига тўғри келади. 2800 - 2850  $\text{см}^{-1}$  соҳаларидаги кенг ютилиш диапазони амина-фосфатли гуруҳларга мос келиши кузатилди.



**5-расм. Амфотер ионит ИҚ-спектри**

ИҚ-спектр ва потенциометрик титрлаш натижалари асосида янги синтез қилинган амфотер ионитнинг структуравий зеноси тавсия этилди:




**6-расм. Avogadro дастурида 3D миснинг моделлашган комплекси: фосфорли ион боғи, кислород атоми билан донор-акцепторли боғ,  $\pi$ -стэкиннинг ароматик халқаси билан ўзаро таъсирлашиши**

Олинган амфотер ионит таркибида 9,5 % фосфор ва 4,2 % азотнинг бўлиши, уни фурфурол ва дифениламин асосида олинган натижаларнинг қониқарли эканини кўрсатди. Амфотер ионитнинг металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиши ва уларни 3D структурасини ишлаб чиқилиши ионалмашиниш полимерларнинг физик-кимёвий хусусиятларини юқори даражада эканини кўрсатади. ORCA 4.2 дастурдан фойдаланиб, ушбу мономернинг геометрияси DFT/6-31G усули билан оптималлаштирилган (6-расм).


Шу билан бирга, металл ионларини сорбцион ажратиш мақбул шароитларини аниқлаш мақсадида сорбцион жараён кинетик қонуниятлари ва механизмини аниқлаш талаб этилади. Сорбция кинетикасини тадқиқ қилиш сорциялаш тезлиги тажрибалар орқали аниқланиши сабабли, амалий аҳамиятга эга бўлиб, сорбцион шароитларини танлашда - сорбент тури, механик ўлчамлари, сорбциялаш ҳарорати ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлади.

Ион аламшиниш кинетикасини аниқлаш мақсад қилиниб, тадқиқотлар давомида мис (II) ионларининг сувли эритмалардан полимер типидagi икки сульфокатионитларда - дивинилбензол ва стирол асосидаги (КУ-2-8) саноат препарати ҳамда дифенилоксида ва фурфуролнинг поликонденсатланиш реакцияси ва сўнгра сульфурлаш маҳсулоти асосидаги сульфокатионитлар (СКДФ) билан сорбцияланиш жараёни таққосланди.



**7-расм. Мис (II) ионларининг сувли эритмалардан КУ-2-8 саноат препарати (1-эгри) ҳамда СКДФ дифенилоксида ва фурфуролнинг сополимерланиш сульфокатионит (2-эгри) билан сорбцияланиш кинетик эгрлари**

7- ва 8-расмларда эритмалардан вақт бирлиги ичида мис ионларининг сорбцияланиш миқдорининг боғлиқлик кинетик эгрлари берилган. Олинган боғлиқликлар СКДФ катионитида 30 дақиқа давомида сорбцияланиш мувозанати, КУ-2-8 катионитида эса 20 дақиқада сорбцияланиш мувозанати тикланишини кўрсатади. СКДФ ва КУ-2-8 орасидаги мувозанатга эришиш фарқлар кичик қийматларга эга бўлиб, оқова сувлар таркибидан мис ионларини ажратишда поликонденсацион турдаги катионитдан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.



**8-расм. КУ-2-8 (1) ва СКДФ (2) сульфокатионитлар билан мис (II) ионларини сорбциялаш учун  $-\ln(1-F) = f(t)$  боғлиқлиги**

Олинган кинетик эгрилар чегараланган ҳажмдаги эритмалар диффузиясини ёритувчи Бойд, Адамсон ва Майерс тенгламаларидан фойдаланилиб тавсифланди:

$$F = \frac{Q_t}{Q_\infty} = 1 - 6/\pi^2 \sum \frac{1}{n^2} \exp(-Bt \cdot n^2),$$

бунда:  $F$  – ионлар алмашилиш босқичлари;  $Q_t$  и  $Q_\infty$  – мос равишда  $t$  вақтга қадар (намунлар олинган вақт, сек) ва мувозанат тикланишига қадар сорбцияланган ионлар миқдори;  $Bt = (D\pi^2 t)/r^2$  – ўлчамсиз параметр ёки Фурье гомохрон критерийси;  $D$  – диффузия коэффициенти ( $\text{см}^2/\text{г}$ );  $r$  – ионит доналари радиуси, см.

$F$  катталиқ тажрибалар орқали аниқланилиб,  $F$  ионлар алмашилиш даражасининг  $t$  га боғлиқлиги аниқланди.  $F$  нинг  $Bt$  га боғлиқлик жадвали орқали,  $F$  ва  $t$  мос кўрсаткичлари учун  $Bt$  катталиқлари аниқланди, сўнгра адабиётларда белгиланган усуллар орқали диффузия коэффициенти аниқлаб олинди. Иккинчи тартибли кинетик маълумотларни  $1/C = kt + 1/C_0$  тенглама бўйича линеаризирланган координаталар билан боғлиқлик кўрсаткичлари  $R^2 = 0,9628$  детерминациялаш кўрсаткичи юқорилигини кўрсатади.

Шундай қилиб, мис ионларини сувли эритмалардан икки турдаги сульфокатионитлар ёрдамида статик шароитларда сорбциялаш кинетикасини тадқиқ қилиш ҳамда кинетик эгриларни математик қайта ишлашлар, сорбциялаш механизми аралаш характерга эга эканлигини ва кимёвий реакциялар ва диффузия эффекти йиғиндисидан иборат эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ишлаб чиқариш шароитида ионитларни қўллаш**» деб номланган бўлиб, ионитларни қўллаш ва уларнинг регенерация қобилиятини аниқлашга бағишланган. Ҳозирги кунда сув тайёрлаш қурилмаларини ўрнатишда ва уларни эксплуатация қилиш тез ривожланаётган сферадан иборатдир. Бу соҳада қилинган ҳар қандай ютуқ тозаланган сувнинг сифат кўрсаткичларини оширади, шу билан бирга эксплуатацияга сарф харажатлар ва сувни меёрида тозалаш бўйича хизмат ҳақлари камаяди. Шу корхонада ионалмашилиш усули билан сувни юмшатиш

бўйича босқичли илмий асослаб бериш, сув сифатини излаш мақсадга мувофиқ бўлади. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» фойдаланилаётган айланма сувнинг тўлиқ кимёвий таркиби ўрганилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### «Муборак газни қайта ишлаш заводи» айланма сувининг тўлиқ кимёвий таҳлили

Катионлар	Микдори			Қаттиқлиги	
	мл/л	мг·эқв/л	%·эқв/л	мг·эқв/л	
Na <sup>+</sup>	137	5,99	40	Умумий	9,00
K <sup>+</sup>	5	0,13	1	Карбонатли	2,40
NH <sub>4</sub> <sup>+</sup>	–	–	–	Карбонатсиз	6,60
Ca <sup>2+</sup>	112	5,60	37	рН	7,80
Mg <sup>2+</sup>	41	3,40	22	ЭркинСО <sub>2</sub> мг/л	11
Fe <sup>3+</sup>	0,3	0,02	–	Агрессив СО <sub>2</sub> мг/л	4
Fe <sup>2+</sup>	0,2	0,01	–	Оксидланиши мг О <sub>2</sub> /л	1,45
<b>Жами:</b>		<b>15,15</b>	<b>100 %</b>	SiO <sub>2</sub> мг/л	14
<b>Анионлар</b>	<b>Микдори</b>			K <sub>2</sub> SiO <sub>3</sub> мг/л	18
	мг·эқв/л	мг·эқв/л	мг·эқв/л	H <sub>2</sub> S мг/л	–
Cl <sup>-</sup>	177	5,00	33	<b>Қуруқ қолдиқ</b>	
SO <sub>4</sub> <sup>2-</sup>	368	7,66	50	Эксперим. мг/л	980
NO <sub>2</sub> <sup>-</sup>	0,3	0,01	–	Ҳисоблаш. мг/л	933
NO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	5	0,08	1	<b>Физик хоссаси:</b>	
CO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	–	–	–	Шаффофлик	Шаффоф
HCO <sub>3</sub> <sup>-</sup>	146	2,40	16	Таъми	Чучук
<b>Жами</b>		<b>15,15</b>	<b>100%</b>	Ранги	Рангсиз
<b>Тузли сув таркиби формуласи</b>				Ҳиди	Ҳидсиз
$0,9 \frac{SO_4^{50}Cl^{33}HCO_3^{16}}{(Na+K)^{41}Ca^{37}Mg^{22}}$				Чукма	Жуда кам
				Na <sup>+</sup> алангали фотометрда,мг/л	132

Корхонадаги сувнинг умумий қаттиқлиги 9 - 13 мг·эқв/л тажриба асосида аниқланганда рН муҳити 3,80 - 7,80 оралиғида бўлганлиги кўриш мумкин. Бу эса, кальций ва магний ионлари билан кислота қолдиқлари иштирокида сувнинг қаттиқлиги муаммосини келтириб чиқиши билан бирга, сув таркибида эриган ҳолда мис, темир, марганец каби металл ионларининг мавжудлиги селектив ионитларни қўллаш заруратини кўрсатади.

Бугунги кунда завод сув тайёрлаш бўлимида саноат катионити КУ-2-8 дан кенг фойдаланади. Полимеризацион катионит КУ-2-8 ҳамда поликоденсацион катионит СКДФ иштирокида амфотер ионит айланма сувларни деминерализациялаш жараёнида синовдан ўтказилди.

Сувнинг умумий қаттиқлигини камайтириш учун Н- ва Na-шаклдаги ионалмаштир филтрлари корхона шароитида - киришдаги сувнинг қаттиқлиги

6,8 - 9,0 мг·экв/дм<sup>3</sup> ва қайта ишланган сувнинг ҳажми 1000 м<sup>3</sup>, синовдан ўтказилди ва олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

### 2-жадвал

#### Айланма сувни юмшатиш жараёнда қўлланилган ионитларнинг сорбцион хусусиятлари

Параметрлари	КУ-2-8	СКДФ	АДФ
Фильтроцикл сони	35,0 – 23,9	15,2 – 10,0	15,0-9,5
Чиқишдаги сувнинг қаттиқлиги, мг·экв/дм <sup>3</sup>	0,5 – 2,5	0,5 – 2,5	0,5-1,0
Тўйинган ионитни регенерацияга сарфи ҳажми, м <sup>3</sup>	1,81 – 2,65	0,61 – 0,93	0,62-0,92

2-жадвалга асосланган ҳолда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» айланма циклда сувни тозалаш ва юмшатиш жараёнида текшириляётган ионитлардан фойдаланганда тозаланган сув рухсат этилган концентрация меъёрига етди ва корхона мутахассисларидан ижобий хулосалар олинди.

### 3-жадвал

#### Ионитларнинг регенерация бўйича натижалар


Регенерация қилувчи эритманинг номи	Регенерацияловчи эритманинг концентратсияси ва ҳажми		Катионларнинг номи ва катионитдаги миқдори, мг/г				Регенерациянинг ишлаб чиқарувчанлиги, %
	%	мл	Fe <sup>3+</sup>	Mn <sup>2+</sup>	Ca <sup>2+</sup>	Mg <sup>2+</sup>	
H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	5	1	2,0	0,1	17,0	2,0	2,0 - 5,0
	10	1	4,0	0,22	34,0	4,0	
	20	1	4,0	0,22	34,0	4,0	
HNO <sub>3</sub>	5	1	1,5	0,05	9,0	1,0	
	10	1	3,0	0,1	17,0	2,0	
	20	1	4,0	0,2	34,0	4,0	
HCl	5	1	1,5	0,05	8,0	0,8	
	10	1	1,8	0,1	16,0	1,8	
	20	1	3,2	0,2	28,0	3,0	
NaCl	5	10	-	-	34,0	4,0	
	10	10	-	-	17,8	2,0	
	15	10	-	-	34,0	4,0	
	20	10	-	-	34,0	4,0	

Сорбентларни саноатда қўллаш имконияти нафақат уларни ишчи алмашилиш сиғимлари, балки регенерация қобилиятларидан ҳам аниқланади. Саноат катионити (КУ-2-8) поликонденсацион катионити (СКДФ) ва амфотер (АДФ) лари билан ишлаб чиқилган регенерация технологияси ишончли натижалар кўрсатди. Кимёвий таҳлил натижаларида кальций, магний, темир, марганец ва бошқа металл-ионларининг ионитларга ютилганлигини кўриш мумкин. Тўйинган ионитларни ишчи сиғимларини тиклаш ва корхона учун

осон, қулай регенерациялаш усулини яратилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвалдан шуни кўриш мумкинки, 10 % ли  $H_2SO_4$  регенерация учун етарли бўлар экан,  $HNO_3$  ва  $HCl$  кислоталарнинг 20% эритмаси етарли бўлар экан. Лекин ош тузи билан регенерация қилинганда фақат кальций ва магний ионлари регенерация қилинар экан, темир ва марганец ионлари регенерацияланмас экан. АДФ амфотер ионитлари этилендиаминтетра сирка кислотанинг динатрийли тузи билан регенерацияланиши тадқиқ этилди.

Амфотер ионит АДФ синтез қилишнинг принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (9-расм).



**9-расм. Амфотер ионит ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси:**

1,2,3,4,5,6-тензодатчикли дозаторлар; 7,8,9-реакторлар; 10,11,12-фильтрлар; 13,14-қуритгичлар; 15-майдалагич; 16-элак; 17,18,19-ювишдан қолган қолдиқ сувлар; 20-тиндиргич; 21-элеватор; 22-тайёр маҳсулот

Полимер олиш (7) реакторда амалга оширилади. Сўнгра реакцияга киришмай қолган моддалар ва паст молекуляр бирикмалардан тозалаш ҳамда катализаторни ажратиб олиш учун ювилади. Сўнгра фильтрдан (10) ўтказилади. Фильтрдан ажралиб чиққан ювилган сувлар тиндиргичга берилади полимер эса қуритиш (13) жараёнидан кейин майдалаш учун майдалагичга (15) узатилди. Зарурий ўлчамдаги полимер бўлаклари элакдан (16) ўтказилиб, реакторга (8) юборилади. Фосфориллаш жараёнидан сўнг оксидлаш учун реактор (9) орқали жараён давом эттирилади. Ювилиб, тозаланган ионитлар элеватор (21) бўйлаб қадоқлаш учун юборилади.

Шундай қилиб, яратилган технология асосида олинган АДФ ионити иқтисодий самарадорлиги импорт қилинадиган ионитлар билан таққосланганда 3397716 сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

1. Фурфуролнинг дифениламин билан 1:1 моль нисбатда диметилформамаидли муҳитида 100 - 110 °С ҳароратда мономерлар умумий массасига нисбатан 3 - 5% Льюис катализатори қўшиб полимер матрицаси яратилган ва поликоденсация реакцияси бориш шароитлари тўлиқ тадқиқ этилган.

2. Фосфорилловчи агент орқали фосфатли гуруҳлар полимер матрицасига киритиш шароитлари 70 - 75 °С ҳароратда катализатор иштирокида олиб борилиб, аминофосфорли амфотер ионит олиш тавсия этилган.

3. Олинган амфотер ионитнинг функционал гуруҳлари элемент анализ, ИҚ-спектроскопия ва потенциометрик титрлаш асосида тадқиқ этилган.

4. Олинган амфотер ионити сув таркибидаги кальций, магний каби металл ионларини сорбциялашда катионит кўринишида ишлаган бўлса, бошқа оғир металл ионлари рух, мис, никель, кобальтлар билан d-электрон поғоначаларидаги бўш орбиталлар ҳисобига фосфатли кислород атомидаги бўлинмаган жуфт электронлар ҳисобига донор-акцептор боғларини ҳосил қилиши аниқланган.

5. Сувни тузсизлантириш кўрсаткичи динамик шароитда 70 - 80 % ни ташкил этган. Мис ионларини 0,1н эритмаларда сорбцияланиш кўрсаткичи 5,6 - 6,2 мг·экв/л бўлган. Avagadro дастуридан фойдаланиб комплексларнинг фазовий кўринишини моделлаштирилган ва электро-донор хусусиятларини квант-кимёвий ҳисобланган.

6. Амфотер ионит ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти ишлаб чиқилган. Материал баланс асосидаги ҳисоблашлар 18 % намлик билан олинадиган 1000 кг ионит учун 49302284,2 сўмни ташкил этади. Импорт қилинадиган амфотер ионитларга нисбатан 1,5 - 2 баробар иқтисодий самарадор эканлиги тавсия этилган.

7. Муборак газни қайта ишлаш заводи сув тайёрлаш бўлими шароитида қўллаш учун поликоденсацион турдаги амфотер ионит яратиш технологияси тавсия этилган ва сув тайёрлаш жараёнини таҳлил қилиш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА  
КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**НАЗИРОВ ЗУЛКАЙНАР ШАРОПОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ И ПРИМЕНЕНИЯ  
ИОНИТОВ ПРИ ВОДОПОДГОТОВКЕ В ХИМИЧЕСКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**02.00.14 - Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.1.PhD/T2056

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу [ik.kimyo.liuu.uz](http://ik.kimyo.liuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** Турабджанов Садриддин Махаммадинович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Адилов Равшан Эркинович  
доктор технических наук, доцент

Файзуллаев Нормурот Ибодуллович  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Защита диссертации состоится «2» 12 2021 г. в «11<sup>00</sup>» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел: (+99871) 244-79-21, факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №24, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «13» 11 2021 года.  
(протокол рассылки № 18 от 13.11. 2021 г.).



**С.М. Турабджанов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

**Х.И. Кадиров**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёной степени доктора наук,  
д.т.н., доцент

**Г. Рахмонбердиев**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёной степени доктора  
наук, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и значимость темы диссертации.** В настоящее время иониты благодаря своим высоким сорбционным свойствам и селективному извлечению ионов благородных и цветных металлов широко используются в ряде отраслей индустрии, таких как химия, фармацевтика, атомная промышленность, нефть и газ, энергетика, гидрометаллургия, пищевая промышленность. В то же время синтез новых видов поликонденсационных ионитов для опреснения воды с ионообменными свойствами на основе существующего сырья, а также его применение в процессах разделения ионов цветных металлов является одним из актуальных вопросов в химической промышленности.

В мире ведутся исследования по синтезу новых типов селективных ионообменников, содержащих сульфатные, карбоксильные, фосфатные функциональные группы, и дальнейшему улучшению их физико-химических свойств. В связи с этим особое внимание уделяется синтезу амфотерных ионитов на основе азотсодержащих мономеров, деминерализации воды в химической и нефтегазовой промышленности, с целью сохранению длительных эксплуатационных свойств водоочистных сооружений.

В республике большое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на синтез импортозамещающих конкурентоспособных ионообменных ионитов на основе местного сырья и их применение в процессах водоподготовки. В частности, определенные научные и практические результаты достигаются в модернизации предприятий химической и нефтегазовой промышленности, расширении конкурентоспособной продукции, создании новых запасов сырья, разработке технологий производства импортной продукции. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена главная задача: «модернизация, техническое и технологическое перевооружение предприятий химической промышленности»<sup>2</sup>. В связи с этим важную роль играют исследования по получению амфотерных ионитов реакциями поликонденсации на основе фурфурола и ароматических кольцевых мономеров аминогруппы и разработка ионообменных полимеров для обессоливания технической воды.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализацией задач, обозначенных в Указе и постановлениях Президента Республики Узбекистана, Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года №ПП-3246 «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», от 26 декабря 2016 года № ПП-2698 «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства

---

<sup>2</sup>Мирзиеёв Ш.М. Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы» и от 15 июня 2016 года №ПП-2547 «О мерах по увеличению производства готовой экспортоориентированной химической продукции на основе глубокой переработки минерально-сырьевых ресурсов на 2016-2020 годы», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данного направления диссертационного исследования.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Получением синтетических катионитов, анионитов и ионитов амфотерного характера для обессоливания вод в процессе водоподготовки занимались такие ученые, как: Wan Yunus, Widdecke H, Bachmann Reinhard, Mariamichel A, Klipper R, Zhi-Ping Zhu, Burkhard Köhler, Злобина А.С., Резник Я., Ергожин Е.Е., Акимбаева А.М. Вопросам получения ионитов на основе фурфурола посвящены работы Кишибаева К.К., Ефремова С.А., Лузянина Л.С., Журавлева Г.А. и др. В Узбекистане в области изучения и создания ионитов и исследования их основных свойств проводились научные исследования под руководством Хамраева С.С., Агзамходжаева А.А., Гуро В.П., Магрупова Ф.А., Джалилова А.Т., Назировой Р.А., Турабджанова С.М., Муталова Ш.А. и др.

В работах указанных ученых исследованы процессы синтеза новых типов ионообменников анионной, катионной и амфотерной природы с аминокарбоксильными, фосфатными, сульфатными функциональными группами на основе фурфурола, формальдегида, дивинилбензола для обессоливания воды в энергетике, гидрометаллургии, химической и нефтегазовой промышленности. Внедрены технологии по отделению ионов от существующих растворов, концентрированию и выделению цветных металлов.

Одновременно проводятся исследования по получению аминокислотных, аминокислотных амфотерных ионообменников, изучению их физико-химических и технологических параметров, ионному обмену образующихся ионитов, изучению механизмов образования комплексов, изучению кинетики и термодинамических параметров, разработке простых, энерго- и ресурсосберегающих технологий в регенерации.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационная работа выполнена в рамках планов научно-исследовательских работ прикладных проектов Ташкентского государственного технического университета и Каршинского инженерно-экономического института НТП 7-053 «Переработка и вторичное использование сточных вод в климатических условиях Узбекистана» (2009 - 2011 гг.), ПЗ 20170927346 по теме «Разработка технологии получения новых ионообменных полимеров поликонденсационного типа для очистки сточных вод» (2018 - 2020 гг.) и ЁОТ-Атех-2018-206 по теме

